

35- وَعَنْ صُهِيبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كَانَ مَلِكٌ فِيمَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ، وَكَانَ لَهُ سَاحِرٌ، فَلَمَّا كَبِرَ قَالَ لِلْمَلِكِ: إِنِّي قَدْ كَبِرْتُ فَأَبْعَثْ إِلَيَّ غُلَامًا أَعْلَمُهُ السِّحْرَ؛ فَبَعَثَ إِلَيْهِ غُلَامًا يُعَلِّمُهُ، وَكَانَ فِي طَرِيقِهِ إِذَا سَلَكَ رَاهِبٌ، فَقَعَدَ إِلَيْهِ وَسَمِعَ كَلَامَهُ فَأَعْجَبَهُ، وَكَانَ إِذَا أَتَى السَّاحِرَ مَرَّ بِالرَّاهِبِ وَقَعَدَ إِلَيْهِ، فَإِذَا أَتَى السَّاحِرَ ضَرَبَهُ، فَشَكَا ذَلِكَ إِلَى الرَّاهِبِ فَقَالَ: إِذَا حَشَيْتَ السَّاحِرَ فُتِلَ: حَبَسَنِي أَهْلِي، وَإِذَا حَشَيْتَ أَهْلَكَ فُتِلَ: حَبَسَنِي السَّاحِرُ.

فَبَيْنَمَا هُوَ عَلَى ذَلِكَ؛ إِذْ أَتَى عَلَى دَابَّةٍ عَظِيمَةٍ قَدْ حَبَسَتِ النَّاسَ فَقَالَ: الْيَوْمَ أَعْلَمُ: السَّاحِرُ أَفْضَلُ أَمْ الرَّاهِبُ أَفْضَلُ؟ فَأَخَذَ حَجْرًا فَقَالَ: اللَّهُمَّ، إِنْ كَانَ أَمْرُ الرَّاهِبِ أَحَبَّ إِلَيْكَ مِنْ أَمْرِ السَّاحِرِ فَأَقْتُلْ هَذِهِ الدَّابَّةَ حَتَّى يَمْضِيَ النَّاسُ، فَرَمَاهَا فَقَتَلَهَا وَمَضَى النَّاسُ، فَأَتَى الرَّاهِبَ فَأَخْبَرَهُ. فَقَالَ لَهُ الرَّاهِبُ: أَيُّ بَيْتِي؛ أَنْتَ الْيَوْمَ أَفْضَلُ مِنِّي، قَدْ بَلَغَ مِنْ أَمْرِكَ مَا أَرَى، وَإِنَّكَ سَبُّنْتَلَى، فَإِنْ ابْتُلَيْتَ فَلَا تَدُلَّ عَلَيَّ.

وَكَانَ الْغُلَامُ يُبْرِئُ الْأَكْمَةَ وَالْأَبْرَصَ، وَيُدَاوِي النَّاسَ مِنْ سَائِرِ الْأَدْوَاءِ، فَسَمِعَ جَلِيسٌ لِلْمَلِكِ كَانَ قَدْ عَمِيَ، فَأَتَاهُ بِهَدَايَا كَثِيرَةٍ فَقَالَ: مَا هَهُنَا لَكَ إِنْ أَنْتَ شَفَيْتَنِي، فَقَالَ إِلَيَّ لَا أَشْفِي أَحَدًا، إِنَّمَا يَشْفِي اللَّهُ تَعَالَى، فَإِنْ آمَنْتَ بِاللَّهِ تَعَالَى دَعَوْتُ اللَّهَ فَشَفَاكَ، فَأَمَنَ بِاللَّهِ فَشَفَاهُ اللَّهُ تَعَالَى، فَأَتَى الْمَلِكَ فَجَلَسَ إِلَيْهِ كَمَا كَانَ يَجْلِسُ، فَقَالَ لَهُ الْمَلِكُ: مَنْ رَدَّ عَلَيْكَ بَصْرَكَ؟ قَالَ: رَبِّي، قَالَ: وَلَكَ رَبُّ غَيْرِي؟! قَالَ: رَبِّي وَرَبُّكَ اللَّهُ، فَأَخَذَهُ فَلَمْ يَزَلْ يُعَذِّبُهُ حَتَّى دَلَّ عَلَى الْغُلَامِ، فَجِئَ بِالْغُلَامِ، فَقَالَ لَهُ

الْمَلِكُ: أَيُّ بُنِيِّ؛ قَدْ بَلَغَ مِنْ سِحْرِكَ مَا نَبْرِي الْأَكْمَةَ وَالْأَبْرَصَ وَتَفْعَلُ وَتَفْعَلُ! فَقَالَ: إِنِّي لَا أَشْفِي أَحَدًا، إِنَّمَا يَشْفِي اللَّهُ تَعَالَى، فَأَخَذَهُ فَلَمْ يَزَلْ يُعَذِّبُهُ حَتَّى دَلَّ عَلَى الرَّاهِبِ، فَجِئَ بِالرَّاهِبِ فَقِيلَ لَهُ: ارْجِعْ عَنِ دِينِكَ، فَأَبَى، فَدَعَا بِالْمِنْشَارِ، فَوَضِعَ الْمِنْشَارَ فِي مَفْرَقِ رَأْسِهِ، فَشَقَّهُ حَتَّى وَقَعَ شِقَاؤُهُ، ثُمَّ جِئَ بِجَلِيسِ الْمَلِكِ فَقِيلَ لَهُ: ارْجِعْ عَنِ دِينِكَ، فَأَبَى، فَوَضِعَ الْمِنْشَارَ فِي مَفْرَقِ رَأْسِهِ، فَشَقَّهُ بِهِ حَتَّى وَقَعَ شِقَاؤُهُ.

ثُمَّ جِئَ بِالْغُلَامِ فَقِيلَ لَهُ: ارْجِعْ عَنِ دِينِكَ، فَأَبَى، فَدَفَعَهُ إِلَى نَعْرٍ مِنْ أَصْحَابِهِ فَقَالَ: اذْهَبُوا بِهِ إِلَى جَبَلٍ كَذَا وَكَذَا، فَاصْعَدُوا بِهِ الْجَبَلَ، فَإِذَا بَلَغْتُمْ ذِرْوَتَهُ: فَإِنْ رَجَعَ عَنِ دِينِهِ وَإِلَّا فَاطْرَحُوهُ فَذْهَبُوا بِهِ فَصَعِدُوا بِهِ الْجَبَلَ فَقَالَ: اللَّهُمَّ، اكْفِنِيهِمْ بِمَا شِئْتَ، فَرَجَفَ بِهِمُ الْجَبَلُ فَسَقَطُوا، وَجَاءَ يَمْشِي إِلَى الْمَلِكِ، فَقَالَ لَهُ الْمَلِكُ: مَا فَعَلَ أَصْحَابُكَ؟ فَقَالَ: كَفَانِيهِمُ اللَّهُ تَعَالَى، فَدَفَعَهُ إِلَى نَعْرٍ مِنْ أَصْحَابِهِ فَقَالَ: اذْهَبُوا بِهِ فَاحْمِلُوهُ فِي قُرْفُورٍ وَتَوَسَّطُوا بِهِ الْبَحْرَ، فَإِنْ رَجَعَ عَنِ دِينِهِ وَإِلَّا فَاقْدِفُوهُ، فَذْهَبُوا بِهِ فَقَالَ: اللَّهُمَّ اكْفِنِيهِمْ بِمَا شِئْتَ، فَاذْكَرْنَا بِهِمُ السَّفِينَةَ فَعَرَفُوا، وَجَاءَ يَمْشِي إِلَى الْمَلِكِ. فَقَالَ لَهُ الْمَلِكُ: مَا فَعَلَ أَصْحَابُكَ؟ فَقَالَ: كَفَانِيهِمُ اللَّهُ تَعَالَى. فَقَالَ لِلْمَلِكِ: إِنَّكَ لَسْتَ بِقَاتِلِي حَتَّى تَفْعَلَ مَا أَمُرُكَ بِهِ. قَالَ: مَا هُوَ؟ قَالَ: تَجْمَعُ النَّاسَ فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ، وَتَصْلُبُنِي عَلَى جِدْعٍ، ثُمَّ حُذِّ سَهْمًا مِنْ كِنَانَتِي، ثُمَّ وَضَعَ السَّهْمَ فِي كَبِدِ الْقَوْسِ ثُمَّ قُلْنَا: بِسْمِ اللَّهِ رَبِّ الْغُلَامِ ثُمَّ اذْمِ، فَإِنَّكَ إِذَا فَعَلْتَ ذَلِكَ قَتَلْتَنِي.

فَجَمَعَ النَّاسَ فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ، وَصَلَبَهُ عَلَى جِدْعٍ، ثُمَّ أَخَذَ سَهْمًا مِنْ كِنَانَتِهِ، ثُمَّ وَضَعَ السَّهْمَ فِي كَبِدِ الْقَوْسِ، ثُمَّ قَالَ: بِسْمِ اللَّهِ رَبِّ الْغُلَامِ، ثُمَّ رَمَاهُ فَوَقَعَ السَّهْمُ فِي صُدْغِهِ، فَوَضَعَ يَدَهُ فِي صُدْغِهِ فَمَاتَ. فَقَالَ النَّاسُ: آمَنَّا بِرَبِّ الْغُلَامِ، فَأَتَى الْمَلِكُ فَقِيلَ لَهُ: أَرَأَيْتَ مَا كُنْتَ تَحْذَرُ؟ قَدْ وَاللَّهِ نَزَلَ بِكَ حَذْرُكَ، قَدْ آمَنَ النَّاسُ.

فَأَمَرَ بِالْأُخْدُودِ بِأَفْوَاهِ السِّبْكَ فَخُدَّتْ، وَأَضْرَمَ فِيهَا النَّيْرَانَ وَقَالَ: مَنْ لَمْ يَرْجِعْ عَنِّي فَافْحِمُوهُ  
فِيهَا - أَوْ قِيلَ لَهُ: افْتَحِم - ففَعَلُوا، حَتَّى جَاءَتِ امْرَأَةٌ مَعَهَا صَبِيٌّ لَهَا، فَتَقَاعَسَتْ، فَقَالَ لَهَا الْعَلَامُ:  
يَا أُمَّهُ اصْبِرِي فَإِنَّكَ عَلَى الْحَقِّ» رَوَاهُ مُسْلِمٌ [3005].

«ذِرْوَةُ الْجَبَلِ» أَي: أَعْلَاهُ، وَهِيَ بِكَسْرِ الدَّالِ الْمُعْجَمَةِ وَضَمِّهَا وَ«الْفَرْقُورُ» بضم القافين: تَوْعٌ مِنْ  
السُّنَنِ وَ«الصَّعِيدُ» هُنَا: الْأَرْضُ الْبَارِزَةُ، وَ«الْأُخْدُودُ»: الشُّفُوقُ فِي الْأَرْضِ كَالنَّهْرِ الصَّغِيرِ  
وَ«أَضْرَمَ» أَوْقَدَ «وَأَنْكَفَأَتْ» أَي: انْقَلَبَتْ، وَ«تَقَاعَسَتْ» تَوَقَّفَتْ وَجَبُنَتْ.

35. Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Сизлардан аввал ўтган умматлардан бирида бир подшоҳ ўтган экан. Унинг сеҳргари бор экан. Сеҳргар қариганда подшоҳга: «Мен қариб қолдим. Менга бир ёш йигит берсанг, сеҳрни ўргатиб қўйсам», деди. Подшоҳ унга сеҳр ўргатиш учун бир йигитни берди. У йўлда кетаётса, бир роҳиб бор экан, унинг ёнига ўтирди. Унинг сўзларини эшитиб, ёқтириб қолди. Ҳар сафар сеҳргарнинг олдига борса, роҳибнинг олдидан ўтар ва у билан ўтириб қолар, сеҳргарнинг олдига (кеч қолиб) борса, у урар эди. У бу ҳақда роҳибга шикоят қилди. Шунда у: «Сеҳргардан кўрқсанг, унга «Мени уйимдагилар ушлаб қолишди», дегин. Уйингдагилардан кўрқсанг, «Мени сеҳргар ушлаб қолди», дегин», деди. Шундай қилиб, бир куни кетаётса, баҳайбат, даҳшатли бир махлуқ одамларни ўтказмай қўйган экан. Шунда у «Мана энди сеҳргар афзалми, роҳиб афзалми - билиб оладиган бўлдим», деди. Бир тошни олиб, «Аллоҳим, агар роҳибнинг иши Сенга сеҳргарнинг ишидан маҳбуброқ бўлса, мана шу ҳайвонни ўлдиргин, одамлар ўтиб кетсин» деб, тошни отган эди, ҳайвон ўлиб, одамлар ўтиб кетишди. У роҳибнинг олдига келиб, бўлган воқеани айтиб берган эди, роҳиб унга «Болажоним, кўриб турибманки, энди сен менадан афзал даражага етибсан. Энди синовларга дуч келасан, ўшанда мени айтиб қўймагин», деди. Йигит кўрларни, пеларни ва одамларнинг бошқа дардларини даволайдиган бўлди. Буни подшоҳнинг аъёнларидан бири эшитиб қолди. У кўр бўлиб қолган эди. У йигитга кўп ҳадялар келтириб, «Агар менга шифо берсанг,

мана шуларнинг ҳаммаси сеники», деди. Йигит: «Мен ҳеч кимга шифо бера олмайман, шифони фақат Аллоҳ беради. Агар сен Аллоҳга иймон келтирсанг, мен дуо қиламан, У Зот сенга шифо беради», деди. У Аллоҳга иймон келтирган эди, Аллоҳ унга шифо берди. Унинг кўзи тузалгач, у подшоҳнинг ёнига бориб, аввалгидек ўтирди. Подшоҳ ундан: «Кўзингни ким қайтариб берди?» деб сўради. У «Роббим», деди. (Подшоҳ) «Мендан бошқа Роббинг борми?» деди. У бўлса: «Менинг ҳам, сенинг ҳам Роббимиз - Аллоҳ», деди. У уни ҳибсга олиб, қийноққа солган эди, охири йигитни айтиб қўйди. Ниҳоят, йигитни келтиришди. Подшоҳ унга: «Болажоним, сеҳрда кучайиб, кўр, пес ва бошқа касалларни даволайдиган, фалон-фалон ишларни қиладиган бўлиб кетибсанми?» деди. У: «Мен ҳеч кимга шифо бермайман, шифони фақат Аллоҳ беради», деди. Подшоҳ уни ҳам қийноққа солган эди, охири роҳибни айтиб қўйди. Роҳибни келтиришди. Унга «Динингдан қайт», деган эди, бош тортди. Арра опкелтириб, бошининг ўртасидан арра солишган эди, иккига бўлиниб тушди. Сўнг подшоҳнинг аъёнини ҳам олиб келиб, унга ҳам «Динингдан қайт», дейишди. У ҳам бош тортган эди, унинг ҳам бошининг ўртасидан арра солишган эди, иккига бўлиниб тушди. Сўнгра йигитни келтириб, унга ҳам «Динингдан қайт», дейишди. У ҳам бош тортди. Шунда подшоҳ йигитни бир неча одамларига топшириб, «Уни олиб, фалон тоққа боринглар. Тоққа олиб чиқинглар, чўққисига етганингизда динидан қайтса қайтди, бўлмаса улоқтириб юборинглар», деб буюрди. Уни олиб бориб, тоққа чиқишди. Шунда у: «Аллоҳим, буларга Ўзинг истаганингдек кифоя қил», деди. Бирдан тоғ силкиниб, ҳаммалари қулаб тушишди, у эса подшоҳнинг олдига келди. Подшоҳ ундан: «Шерикларинг нима бўлди?» деб сўради. У: «Аллоҳ уларга кифоя қилди», деди. У йигитни яна бир неча одамларига топшириб, «Буни қайикда денгизнинг ўртасига олиб боринглар, динидан қайтса қайтди, бўлмаса ташлаб юборинглар», деди. Уни олиб кетишди. У яна: «Аллоҳим, буларга Ўзинг истаганингдек кифоя қил», деб дуо қилди. Қайик ағдарилиб, подшоҳнинг барча одамлари ғарқ бўлишди. У эса яна подшоҳнинг олдига келди. Подшоҳ унга: «Шерикларинг нима бўлди?» деди. У: «Аллоҳ уларга кифоя қилди», деб, подшоҳга: «Менинг айтганимни қилмагунигча мени ўлдиролмайсан», деди. «У нима?» деди у. (Йигит) «Ҳамма одамларни бир тепаликка тўплайсан, мени дарахтга осасан, ўқдонимдан бир ўқ оласан, уни камонга қўйиб, сўнг «Мана шу йигитнинг Робби - Аллоҳнинг номи билан», деб менга қараб отасан, шундагина мени ўлдиришинг мумкин», деди. У одамларни бир тепаликка тўплаб, уни дарахтга осди. Сўнг унинг ўқдонидан бир ўқни олиб, камонга қўйиб, «Мана шу йигитнинг Робби - Аллоҳнинг номи билан», деб отган эди, ўқ йигитнинг чаккасига тегди. Йигит кўлини ўқ теккан жойга - чаккасига қўйганча жон берди. Шунда одамлар: «Шу йигитнинг Роббига иймон келтирдик! Шу йигитнинг Роббига иймон келтирдик! Шу йигитнинг Роббига иймон

келтирдик!» дейишди. Сўнг подшоҳга келиб, «Аллоҳга қасам, мана энди сен кўрққан нарса содир бўлди, одамларнинг ҳаммаси иймонга келди», дейишди. Шунда у йўлларнинг бошида чоҳлар қазилган фармон берди. Чоҳлар қазилиб, ичига олов ёқилди. Сўнг у: «Ким диндан қайтмаса, ўша ерда куйдириб ташлансин» [ёки «унга ўзинг туш» дейилсин], деди. Шундай қилишди. Эмизикли боласи бор бир аёл ҳам келди. У ўзини олиб қочган эди, гўдак тилга кириб, «Сабр қилинг, онажон, сиз ҳақ йўлдасиз», деди».

*Имом Муслим ривоятлари.*

Шарҳ: Ушбу ҳадисни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига зикр қилишдаридан мақсад ўзларига етаётган озор, алам ва машаққатларга сабр қилиб, тасалли олиб, бу болакай каби ҳақ нарса устида мустаҳкам туришга ундашдир. Чунки бу бола ўз динини маҳкам ушлаб, даъватни очиқча баён қилгани сабаб, у кичик бўлишига қарамасдан одамлар динга кира бошлашди. Шунингдек роҳиб ҳам сабр қилиб, ҳақни маҳкам ушлагани учун арра солиб аралаб ташланди. Ўп одамлар Аллоҳга иймон келтириб, иймон қалбларида мустаҳкам жой олгач оловга улоқтирилса ҳам сабр қилдилар, асло диндан ортга қайтишмади.

Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ наздида пайғамбарларнинг энг кучлисидир. У зотнинг саҳобалари Аллоҳ наздида кучли пайғамбарларнинг энг кучли саҳобаларидир. Уларнинг ичида ҳам кўплари ўлим, осилиш каби қаттиқ азобларга дучор бўлишди. Аммо шундай бўлса ҳам бошқа томонга бурилиб кетишмади. Ахир саҳобалардан Осим ва Хубайблар ҳамда уларнинг ҳамроҳлари дуч келган мусибат, қатл, асир бўлиш ва ёндириб юборилиши бу айтган гапимизга далилликка кифоя қилади. Улар Аллоҳ йўлида жонларию, молларини фидо қилишди. Улар динни деб диёрларию, фарзандларидан фиरोқ бўлишди, Аллоҳга берган аҳдлари устидан чиқишди, оқибатда Аллоҳнинг дини ғолиб келишига сабабчи бўлишди. Аллоҳ уларни яхшилик билан мукофотласин!

Ҳадисдаги «**Баҳайбат, даҳшатли бир махлуқ**» шер бўлади. Бу бошқа ҳадисда келган. Бу Қуртубийнинг «ал-Муфҳам» китобида ҳам келтирилган.

Муҳаммад ибн Исҳоқ «Сийрату ибн Исҳоқ» китобида келтирилишича, боланинг исми Абдуллоҳ ибн Сомир бўлган. Нажрон аҳлидан бўлган бир киши уйини кавлаганида чириган, эски бир нарса чиқди. У ўтирган ҳолда, қўлини боши устига қўйган шаклда эди. Агар қўли олинса, қон отилиб чиқар, агар қўли қўйиб юборилса, яна бошини ушлаб олар эди. Қўлида узуги бўлиб, «Роббим Аллоҳ», деб ёзиб қўйилган эди. Бу ҳақда мактуб ёзиб, Умар

розияллоҳу анҳуга жўнатилганида, Умар уни ўз жойига кўмиб қўйишни буюрдилар. Улар уни ўз жойига кўмишди.

Ибн Башкувол айтди. Ўша пайтдаги подшоҳнинг исми Зунувос бўлган. У, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғабар қилиб юборилинишларидан 70 йил аввал Нажрон шаҳрида содир бўлган. Роҳибнинг исми Файмун эди.

Ибн Касир «ал-Бидая ван Ниҳая» китобида келтиришларича, Нажронликлар ширк келтирмаган асл насроний динида бўлган. Зунувос бориб, уларни яҳудийлик динига чақириб, у ерликларни янги динни ёки ўлимни танлашни ихтиёрини беради. У ерликлар ўлимни танлашади. Шунда чуқурлар кавлаб, унга олов ёқиб, қиличлар яланғочланади. Ўшанда улардан 20 мингтаси қатл қилинади.

Сеҳрнинг таърифи.

«Сеҳр» сўзи луғатда ҳар бир чиқиб келган жойи дақиқ ва латиф, сабаби махфий бўлган нарсага ишлатилади.

Имом Бухорий Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, баёнда ҳам сеҳр бор», деганлар.

Фалончини сеҳрлаб қўйди деган иборада, алдади маъноси бўлади.

Аслида сеҳр бир нарсани ҳақиқатидан бошқа тарафга буришдир. Бунда сеҳргар ботил нарсани ҳақиқат қилиб кўрсатиши кўзда тутилган.

«Лисонул араб» китобида айтилишича, араблар сеҳрни сеҳр деб аташ соғлиқни беморликка буриши ва яхши кўришни ёмон кўришга буриши учундир.

Сеҳрнинг таърифида уламолар турли фикрларни айтган.

Байзовий:

«Сеҳрдан мурод ҳосил бўлиши учун шайтонга яқинлашиладиган, инсон ўзи қила оладиган нарсадир. Бу нарса ёмонликда ва нафсининг ифлослигида иблисга муносиб бўлган кимсаларгагина ҳосил бўлади.

Аммо ҳийла, турли асбоб ва даволар воситасида одамларни ажаблантирадиган нарсаларни қилиш, қўлини чаққон ҳаракатлантириб

ҳунар кўрсатиш мазаммат қилинмайди. Бундоқ ишларни сеҳр дейиш унинг дақиқлигидан холос. Сеҳр аслида сабаби махфий нарсадир», деган.

Ат-Таҳонавий «Кашшофу истилоҳотил фунун» номли китобида сеҳр ҳақида қуйидаги таърифни келтиради:

«Сеҳр илмнинг бир нави бўлиб, уни жавҳарларнинг хусусиятларини ва юлдузларнинг буржларини билишдан истифода қилинади. Ана ўша нарсдан сеҳр қилинган кишига ҳайкал олинади ва унинг учун бурждаги махсус вақтни кутилади. Сўнгра шариатга хилоф куфр ва фаҳш сўзларни талаффуз қилинади. Унга шайтонларнинг ёрдами ила эришилади. Уларнинг ҳаммасининг жамланишидан сеҳр қилинган кишида ғаройиб ҳолатлар юзага келади».

Ал-Қалюбий сеҳрни қуйидагича таърифлайди:

«Сеҳр шариатда ифлос руҳларни махсус сўз ва амаллар орқали ишлатиб одатдан ташқари ҳолатларни келтириб чиқаришдир».

Ҳанбалийлар сеҳрни қуйидагича таърифлайди:

«Сеҳр тугунлар, сўзлар, дам солиш ёки бир нарсаларни ёзиш ёхуд қилиш орқали кишининг бадани, қалби ёки ақлига бевосита таъсир қилишдир».

Мазкур таърифларни жамлаб ўргансак, уларнинг ҳар бирида сеҳрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз бораётганини кўрамиз. Демак, ушбу таърифларнинг йиғиндисидан сеҳрни тўлароқ англаб оламиз.

Сеҳрнинг ҳақиқати.

Баъзи тоифа ва шахслар сеҳрни тамомила инкор қилиб унинг ҳақиқати ва таъсири йўқ, қуруқ хаёлдан бошқа нарса эмас, деган бўлсалар ҳам аҳли сунна мазҳаби жумҳури сеҳрни иккига бўлганлар.

Биринчиси, ҳийла, чаққонлик, устамонлик каби ишлар билан ажабланарлик ишларни кўрсатиш. Бир оз ўйлаган одам уни оддий иш эканини тушуниб олади. Бу турни ажнабий тилда «фокус» дейилади.

Иккинчиси, ҳақиқати, таъсири бўлиб у кишининг баданида, руҳий ҳолатида, ақлида ўзини кўрсатади. Бу хилдаги сеҳрни ҳанафийлар, шофеъийлар ва ҳанбалийлар тўлалигича собит нарса деб тан олганлар. Улар ўзларининг бу гапларига юқорида зикр қилинган оят ва ҳадисларни далил қилиб келтирганлар.



Сеҳрнинг ҳукми.

Сеҳр қилиш ҳаром ва гуноҳи кабирадир.

Сеҳрни ҳалол деб эътиқод қилган киши кофир бўлишига ҳамма фуқаҳолар иттифоқ қилишган.

Ҳанафий, моликий ва ҳанбалий фуқаҳолар сеҳрни ўрганиш ҳаром ва куфрдир, деганлар.

Баъзи ҳанафийлар душманнинг сеҳрини қайтариш ва эр-хотиннинг орасини яхшилаш учун сеҳрни ўрганса бўлади, деганлар.

Ҳанафийлар сеҳргарнинг сеҳри куфрдан иборат бўлса ёки сеҳрини одамларга зарар етказишга ишлатган бўлса, у қатл қилинади, деганлар.

Сеҳр қилгани учун ҳақ олиш жоиз эмас.

Сеҳрнинг муолажаси.

Аллоҳ таолонинг бу дунёда жорий қилиб қўйган қонун-қоидаларини тааммул билан ўйлаб кўрган киши турли офатлар ва беморликларнинг ориз бўлиши ҳам борлиқдаги муқаддар қонун-қоидалардан бири эканини англаб етади. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таоло томонидан бўладиган синовдир.

Ким солиҳ бандалар бало ва мусибатлардан узоқда бўлади деб ўйласа хато қилади. Солиҳ кишига офат ва мусибатларни етиб туриши Аллоҳнинг унга бўлган муҳаббатининг аломатидир. Солиҳ кишига жумладан, беморликларни етиб туриши Аллоҳ таолонинг унга яхшилиқни ирода қилгани аломатидир. Бундай кишилар учун офат ва беморликлар гуноҳларининг каффоратидир.

Ҳа, агар мусибатга учраган банда солиҳ бўлса, мусибат унинг учун гуноҳларга каффорат ёки даражотларининг кўтарилишидир. Агар осий бўлса, мусибат унинг учун ёмонликларини ювиш ва бу дунё бевафолигини эслатишдир.

Гоҳида бандага сеҳр ва кўз тегиши орқали ҳам мусибат етади. Шунинг учун мусулмон одам мазкур икки нарсадан сақланиш йўлларини яхши билиб олиши керак. Сақланиш муолажа қилишдан кўра осонроқдир. Сеҳр ва кўз тегишдан сақланиш бир неча услублар ила амалга ошади



1. Тавҳид ила руҳни тетиклаштириш.
2. Борлиқдаги барча нарсанинг тасарруфини фақатгина Аллоҳ таолонинг Ўзи қилишига иймон келтириш.
3. Яхшиликларни кўп қилиш.
4. Сеҳргарлиги ва кўзи борлиги ила машҳур бўлган одамлардан узоқда бўлиш.
5. Аллоҳдан сеҳр ва кўз тегишидан паноҳ сўраб керакли дуо ва зикрларни ўқиб юриш.
6. Мазкур дуо ва зикрлар ҳақ экани ва уларнинг фойдаси борлигига иймон келтириш. Мазкур иймон қанча кучли бўлса, таъсир ҳам шунча кучли бўлади.
7. Мазкур дуо ва зикрларни айтганда қалби ҳозир бўлиши. Чунки ғофил қалб ила қилинган дуо қабул бўлмайди.
8. Кундузги дуо ва зикрлар бомдод ва кечкилари аср намозидан кейин айтилади.
9. Оятул Курсий, Бақара сурасининг охириги икки ояти, Ихлос, Фалақ ва Нас суралари сеҳр ва кўз тегишидан сақланиш учун ўқилади. Бошқа дуолар ва зикрлар ушбу китобнинг тегишли жойида келган.
10. Сеҳрланиб қолганлик ва кўз текканлик аломатлари қуйидагича: кишининг аъзолари соғ бўла туриб бошининг у ер бу ери оғриси, юзи сарғайса, кўп терласа ва сийса, иштаҳаси йўқолса, юраги бежо бўлса, белининг ва икки курагининг пастиди оғриқ бўлса, узрсиз хафалик ва юрак сиқилиши бўлса, унга сеҳр ёки кўз теккан бўлади.

Шунингдек, бекордан-бекорга хавфсирайверса, аччиғи чиқаверса, одамларга қўшилгиси келмай қолса, дангаса бўлиб қолса, уйқуси келаверса, қўйингки, тиббиётга оид бўлмаган ҳолатларга учраса, унга сеҳр ёки кўз теккан бўлади.

Мусулмон одамнинг иймони ва қалби кучли бўлиб васвасага йўл қўймаслиги лозим.

Сеҳр қилинган одам бир неча йўл билан муолажа қилинади.

Биринчиси, сеҳрнинг жойи аниқ бўлса, уни олиб Фалақ ва Нас сураларини ўқиб туриб тугунлари ечилади. Сўнгра куйдириб юборилади.

Иккинчиси, сеҳрни ўзига ўхшаш сеҳр билан муолажа қилиш. Бу иш ҳаромдир.

Учинчиси, шаръий дам солиш йўли билан муолажа қилинади. Бунда Фотиҳа, Фалақ ва Нас сураларини ёки Пайғабаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинган дуоларни ўқилади.

Имом Абдурраззоқ «Мусаннаф» номли китобида сеҳрнинг муолажаси ҳақида қуйидаги маънони келтирган:

«Сидрнинг баргидан еттита олинади. Уларни икки тошнинг орасига олиб туйилади. Унга Кофирун, Ихлос, Фалақ ва Нас суралари уч марта ўқилади. Сўнгра сувга солиб ичилади ва ғусл қилинади. Аллоҳ шифо бергунча такрор қилинади».

Тўртинчиси, сеҳр қилинган нарса қоринда бўлса ич суриш, бошқа жойда бўлса, қон олиш билан бўшаш.

11. Дам солишнинг шартларидан бири Аллоҳнинг исмлари ва сифатлари ҳамда ривоят қилинган дуолар билан бўлишидир.

12. Дам солиш араб тилида ёки маъноси тушунарли бўлиши шарт.

13. Дам солиш ўзича таъсир қилмаслиги, шифони фақат Аллоҳнинг Ўзигина беришига эътиқод қилмоқ шарт.

14. Дам солувчи тақводор, солиҳ мусулмон бўлиши керак. У қанчалар тақводор бўлса, таъсири шунча кучли бўлади.

15. Дам солиш жараёнида сидқидилдан Аллоҳга юзланиш ва ёлбориш лозим.

16. Киши ўзига-ўзи дам солгани афзал.

17. Дам солдирувчи киши солиҳ мўмин бўлиши керак.

18. Дам солдирувчи киши шифони ихлос билан Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўраши лозим.

19. Шифо бўлмапти деб шошилмаслиги керак.

20. Кўз тегишидан хавфсираган жойларга тумор, кўзнинг шакли, отнинг тақаси каби нарсаларни ошиш мумкин эмас.

21. Сеҳргарлар одамларни ўзига ишонтириш учун тақводор бўлиб кўринишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун улар намоз ўқишлари, зикр қилишлари ва бошқа одамларни жалб қиладиган ишларни амалга

оширишлари бор.

22. Сеҳргарларнинг аломатлари кўп. Шулардан бири улар беморнинг ва унинг онасининг исмини сўрайдилар. Ҳолбуки шаръий дам солишда бу исмларнинг ҳеч кераги йўқ.

23. Сеҳргарлар баъзи кийимларини ёки кийим парчаларини келтиришни сўрайдилар.

24. Сеҳргарлар маълум сифатга эга ҳайвон келтиришни сўрайдилар. Уларнинг жинларга атаб сўйишлари ёки қонини беморга суртишлари мумкин. Бу ҳам сеҳргарликнинг аломати.

25. Сеҳргарлар маъносини тушуниб бўлмайдиган тилсим ва шаклларни чизадилар.

26. Сеҳргарлар беморга тўртбурчак шакллар ичига турли ҳарфлар ва рақамлар ёзилган варақлар беришади.

27. Сеҳргарлар беморларни одамларга аралашмай маълум муддат алоҳида хонада яшашни амр қиладилар ва ҳоказолар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

